2 курс

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент

ЎзР ОЎМТВ
Буйруқ № 892
4 10 2019 йил

СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети.
- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2019 йил «17» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

4. ИЛК БОР КИРИТИЛИШИ.

Мазкур малака талабини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	***5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти* бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи.....**	4
1.1.	Қўлланилиш соҳаси.....	4
1.2.	***5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти*** бакалавриат таълим йўналиши бўйича касбий фаолият таснифи.....	5
2.	***5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти* бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар.....**	7
2.1.	Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар.....	7
2.2.	*5111200 - Ўзбек тили ва адабиёти* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятига қўйиладиган малака талаблари	8
3.	***5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар .....**	10
3.1.	Ўқув режаси фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар	11
3.2.	Малака амалиётига қўйиладиган талаблар.....	17
3.3	*5111200 - Ўзбек тили ва адабиёти* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми	19

1. *5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти* бакалавр таълим йўналишининг умумий таснифи

Олий таълимнинг ушбу малака талаби ***5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти*** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурида кўзда тутилган ўқув шакли, меъёрий муддати ва унга мувофиқ мос малака даражаси 1- жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўқув режаси ва фан дастурда кўзда тутилган ўқув шакли, меъёрий муддати ва унга мувофиқ малака даражаси

Ўқув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даража)	Таълим дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриат таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурлари	Бакалавр	4 йил

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаби ***5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти*** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаби асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиши бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда, ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ҳамда янгилаш учун масъул олий таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналиши ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходим ва талабалари;
- ўз ваколати доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасасининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар, кафедра мудирлари);
- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Таълим сифатини назорат қилиш бўлими, Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;
- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

- таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. *5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти* бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. *5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти* бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий фаолиятининг соҳалари:

5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти бакалавриат таълим йўналиши умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта махсус таълим муассасалари учун бакалавриат таълим йўналиши бўйича педагог кадрлар тайёрлаш жараёнида фойдаланиладиган фанлар, педагогик фаолият воситалари, усуллари, методлари;

- ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ва бошқа тармоқ илмий-тадқиқот институтларида мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-педагогик тадқиқот ишлари билан шуғулланиш;

- оммавий ахборот воситалари, давлат бошқаруви органлари, бошқа давлат ва нодавлат муассасаларида касбий фаолият юритиш каби комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишиларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши назарда тутилади.

1.2.2. *5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари:

- ўзбек тили ва адабиёти таълими жараёнлари; ўқитишнинг замонавий педагогик технологиялари ва методлари, таълимнинг назарий масалалари; ўқитиш методикаси; лойиҳалаштириш асосида ўқув жараёнини бошқариш технологиялари, маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаштириш ва ташкил этиш жараёни, шахсий ва касбий ахборот майдонини шакллантириш жараёни, мактабдан ташқари таълим муассасалари таълим-тарбия жараёни; таълим соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимларини топишни ташкил этиш жараёни; таълимни бошқариш ва педагогик жараённи ташкил этиш;

- ўзбек тили: назарий ва амалий, синхрон, диахрон, ижтимоий-маданий ва дилектологик аспектларда; нутқ маданияти ва услубияти, давлат тилида иш юритиш; эски ўзбек тили ва ёзуви;

- адабиётшунослик: бадиий адабиёт ва халқ оғзаки ижоди, тарихий ва назарий аспектларда;

- мос ихтисослик бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари, маънавий-маърифий тарғибот ишлари жараёни.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва

ўзгаришлар муайян таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши назарда тутилади.

5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти **таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:**

- *умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта махсус таълими муассасаларида "Она тили", "Она тили ва адабиёт", "Ҳозирги ўзбек адабий тили", "Адабиёт", "Адабиёт қоидалари", "Халқ оғзаки ижоди", "Одобнома", "Маънавият асослари", "Давлат тилида иш юритиш" фанларидан ўрнатилган тартибда дарс бериш;*
- *таълим тизимида кабинет мудири ва унга тенглаштирилган лавозимларда ишлаш;*
- *мос таълим йўналишлари бўйича таълимни амалга оширувчи вазирликлар, унинг тармоқ бошқармалари ва муассасаларида методист бўлиб ишлаш;*
- *ижтимоий-гуманитар йўналишдаги илмий-тадқиқот ташкилотларида кичик илмий ходим бўлиб ишлаш;*
- *архивларда, ахборот-ресурс марказларида маслаҳатчи-методист; нашриётларда, оммавий ахборот воситаларида муҳаррир, мусаҳҳиҳ; қўлёзма фондларида, турли тадбиркорлик субъектларида, нодавлат ва жамоат ташкилотларида ишлаш;*
- *маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳамда жойлардаги маънавият ва маърифат марказларида ишлаш;*
- *ишлаб чиқариш соҳаларида, касбий таълим педагогикаси ва технологияси, ўқитишнинг дидактик воситаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.*

1.2.3. ***5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти*** **таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг** ***турлари:***

-педагогик;

-илмий-тадқиқот;

-маънавий-маърифий;

-ташкилий-бошқарув;

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Бакалавр тайёрланадиган касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.4. Таълим йўналиши бакалаврларининг касбий мослашув имкониятлари:

Битирувчилар касбий қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин олий, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган турдош (соҳага мос) фанларни ўқитиш имкониятига эга бўлади.

1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари:

5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналиши бўйича бакалавр ***5А111201 – Ўзбек тили ва адабиёти*** магистратура мутахассислиги бўйича икки йилдан кам бўлмаган

муддатда магистратурада ўқишни давом эттириши мумкин. Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқикотчилик асосида илмий тадқикот ишларини олиб бориши мумкин.

2. *5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:

Бакалавр:

- фукаролик жамиятининг долзарб масалаларини билиши, Ўзбекистон ривожлантириш стратегиясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга;

- дунёқараш билан боғлиқ фалсафий билимларга тизимли эга бўлиши, мустақил таҳлил қила олиши, касбий фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

--хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда хаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

-ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, касб фаолиятида мустақил қарорлар қабул қила олиши;

- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

-янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

-соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўқув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Бакалавр:

-таълим йўналишлари бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

-тегишли бакалавриат таълим йўналишлари доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

-кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб олши учун тайёрланадилар.

2.2. *5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари:

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

-педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда, ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;

-жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;

- касбий муаммолар ечимини топиш;

- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

- фикрлар хилма-хиллиги шароитида бошқарув қарорини қабул қилиш;

-бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ҳамда уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижасини баҳолаш;

Педагогик фаолиятида:

- таълим мазмунини белгилаш тамойиллари ва мезонларига риоя этиш, ўқув материалларини танлаш ва тизимлаштиришга доир замонавий ёндашувларни ҳисобга олиш, ўқув материалларини моделлаштириш малакасига эга бўлиш;

- ўзбек тили ва адабиётини, унинг ўзига хос хусусиятлари, илмий-назарий, фалсафий-эстетик асосларини, замонавий таълим технологияларини чуқур ўзлаштириш;

- ўзбек тили ва адабиётининг бой имкониятларидан фойдалана олиш, бунинг учун ўз устида тинимсиз ишлаш, мустақил билим олиш кўникмаларини шакллантириш;

- Ватанга муҳаббат ва садоқат, умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида шаклланиб бориш;

- кенг дунёқарашга эга бўлган ва мустақил фикрлайдиган маънавий етук мутахассис сифатида шаклланиш;

- ўзбек тили ва адабиётини ўқитишнинг самарали усулларини чуқур эгаллаши ва ундан фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлиши;

- инглиз тилини чуқур ўзлаштириши ва ундан касбий фаолиятда фойдалана олиш;

- ривожланган хорижий мамлакатлар таълим тизими билан яқиндан танишган ҳолда, улардаги ўқитишнинг илғор усулларини таълим жараёнига татбиқ қила олиш;

- яхлит педагогик жараённинг умумий қонун, қонуният ва тамойилларига амал қилиш, таълим-тарбия жараёнида гнесиологик, ташкилий, психологик, дидактик, социологик ва кибернетик қонуниятларнинг уйғунлигига эришиш;

- таълим-тарбия жараёни таркибий қисмлари (мақсад, натижа, мазмун, шакл, метод ва восита)нинг ўзаро алоқадорлиги ва умумийлигини ҳисобга олиши;

- таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг асосий ва ёрдамчи шаклларидан унумли фойдаланиш; ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш ва ўтказиш;

- таълим-тарбиянинг хилма-хил методларини, замонавий педагогик технологияларни оқилона танлай олиш, ижодий ёндашув асосида метод ва технологияларнинг миллий менталитетга мослигини таъминлаш ***қобилиятига эга бўлиши керак.***

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- ўзбек тили ва адабиёти соҳасида олинган назарий амалий билимларни қўллаш орқали илмий тадқиқотлар олиб бориш;

- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш методикасига, шунингдек, тилшунослик, адабиётшуносликнинг назарий масалаларига оид мавзуларда тадқиқотлар олиб бориш;

- эски ўзбек тилида ёзилган қўлёзма манбаларни ўқиш ва татбиқ қила олиш;

- тадқиқот мавзусига оид инглиз тилидаги материалларни ўқий олиш ва амалда қўллаш;

- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

-касбий фаолият объекти йўналишига мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини ўрганиш;

-тил ва адабиёт ўқитишнинг самарали методларига оид хорижий давлатлардаги илмий тўпламлар, илмий-тадқиқотларни ўрганиш;

-маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;

-илмий-тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак***.

Маънавий-маърифий фаолиятида:

- маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиш, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий ғоя ва миллий ғурурни сингдириш;

- ўқувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига, ҳозирги даврдаги энг глобал муаммо – оммавий маданиятга қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиш;

- глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда миллий тил ва адабиётнинг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;

- маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича суҳбатлар ўтказиш;

- миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда, умуминсоний қадриятлар, меҳр-оқибат, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш ***қобилиятига эга бўлиши керак***.

3. *5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта махсус таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

гуманитар ва табиий-илмий фанлар;

умумкасбий фанлар;

ихтисослик фанлари;

қўшимча фанлар.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиш назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда, талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиш лозим.

Ўқув режага киритиладиган ихтисосликка оид фанларнинг амалий машғулотлар ва лаборатория ишлари олий таълим муассасасида ўтказилади.

Назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун талабаларнинг малакавий амалиётлари умумий ўрта таълим мактаблари ва академик лицейларида ўтказилади.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва табиий-илмий фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади;

Табиий-илмий фанлар бўйича:

умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта махсус таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда билишнинг математик дастурлаш усуллари ва жараёнларни моделлаштириш тамойиллари, информатика ҳамда ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усулларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

экологиянинг тадқиқот методлари, экосистемалар ва уларнинг классификацияси, Ўзбекистонда атмосфера, гидросфера ва литосферадаги экологик муаммолар, Ўзбекистонда тарқалган экосистемалар ҳақида маълумот бериш;

дастурлаш ва ҳисоблаш техникаси ҳамда дастурий таъминот имкониятларидан фойдаланиш;

турли соҳаларда ахборот тизимлари ва уларнинг қўлланиши билан боғлиқ бўлган асосий тушунчалар;

маълумотларни қайта ишлаш алгоритмлари, ҳамда турли маълумотлар структуралари билан ишлаш алгоритмларини билиши;

турли хил ахборот тизимларида рўй берадиган асосий ахборот жараёнларини таҳлил қилиш бўйича билим, ўқув, малака ва кўникмаларни шакллантириши;

тарбия жараёнида турли ёшдаги болалар ва ўсмирлар соғлигини ҳимоя қилиш, умумий ўрта таълим мактаблари ва академик лицейлар шарт-шароитлари, жиҳозланиши ва ўқув юкламанинг организмга таъсирини ўрганиши;

тарбия жараёнида турли ёшдаги болалар ва ўсмирлар организмининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш, зарарли одатлар, гиёҳвандликнинг олдини олиш, ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёрлашнинг тиббий-гигиеник асослари ҳақида билим, кўникма ва малакаларини шакллантириши;

ўқув-тарбиявий жараённинг комплекс хусусиятга эга эканлигини эътиборга олган ҳолда, ахборот технологияларини жорий этишни интегратив ёндашув асосида ташкил этиш малакасини таркиб топтириши;

ўқитишнинг илмийлиги ва кўргазмалилигини таъминлаш мақсадида ахборот технологияларининг мультимедиа имкониятларидан унумли фойдаланишга ўргатиши;

замонавий ахборот технологиялари муҳитида ўқув жараёнини лойиҳалаштиришда ўқитишни индивидуаллаштириш, интенсивлаштириш ва оптималлаштиришга эришиш малакаларини шакллантириши;

ўқитишнинг самарадорлиги ва натижавийлигини таъминлаш мақсадида ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини тизимли, мантиқий кетма-кетликда қўллаш кобилиятини таркиб топтириши;

ўзбек тили грамматикасининг аксиоматик назарияси, аксиомалари, символлари, формулалари, келтириб чиқариш коидалари, теоремалари;

табиий тилларни формаллаштириш, ўзбек тили сатҳлари бирликларини, сўз туркумларини, гап бўлакларини моделлаштириш;

ўзбек тилидаги феълнинг грамматик категорияларини моделлаштириш асосидаги маълумотлар базасини яратиш, тилларни ўкитиш, билимларни баҳолаш алгоритми, матнларни таҳрирлаш, анализ ва синтез дастурлари, автоматик таржима жараёни, компьютерда инглизча-ўзбекча, ўзбекча-инглизча таржима алгоритми (гапни таҳлил қилиш, таржима қилиш), лингвистик масалаларни компьютер воситасида ҳал қилиш йўллари;

табиий тилларнинг компьютер луғатлари; тезаурус, конкорданс, автоматик таржима луғатлари;

лингвистик масалаларни ҳал қилишнинг компьютер дастурларини ишлаб чиқиш бўйича билим, кўникма, малакларини шакллантириши лозим.

психика, шахс, фаолият, мулокот, билиш жараёнлари, иродавий сифатлар, ҳиссий ҳолатлар, индивидуал хусусиятларга доир билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш;

психологиянинг моҳияти, психика ва онг тушунчалари, психик жараёнлар, психик ривожланиш ва унинг ўзига хос хусусиятлари, ёш даврлари таснифи, психик тараққиётнинг турли босқичлари учун хос психофизиологик ва психологик хусусиятлар ҳаикдаги билимлар билан қуроллантириши;

бўлажак ўқитувчиларни замонавий педагогика фанининг назарий-тарихий асослари ва ўқитувчи маҳоратига доир билимилар билан қуроллантириш, таълим-тарбия жараёнини оқилона ташкил этиш, педагогик меросдан самарали фойдаланиш, реал таълим амалиётида юксак педагогик маҳорат ва ўқитувчи нутқи маданиятини намоён эта олишга ўргатиш;

ўқув-тарбия жараёнини самарали бошқариш, ўқув-меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш ҳамда таълим олганликни ташхис этиш қонунияти ва тамойиллари билан таништириши;

миллий ва жаҳон педагогика фанлари тараққиёти билан таништириш ҳамда педагогик меросдан самарали фойдаланиш кўникма ва малакаларини шакллантириши;

талабаларни ўқитувчи фаолиятида касбий маҳоратнинг тутган ўрни, мазмун-моҳиятига доир назарий билимлар ҳамда педагогик фаолиятнинг турли кўринишларида ўқитувчининг муомала маданияти, оғзаки ва ёзма нутқ маданияти, ўқувчилар билан алоқа ўрнатиш ва мулоқотга кириша олиш методикасини тўлиқ ўзлаштириш малакаларини шакллантириши лозим.

Умумкасбий фанлар блоки бўйича:

таълим тизимида қўлланиладиган замонавий педагогик технологияларни она тили ва адабиёт таълимида қўллай олиш малакаларини шакллантириши;

нутқ маданияти генезиси ва тарихий омиллари, шарқ ва ғарб маданияти ва нотиқлик назарияси, адабий турлар ва ифодали ўқиш, бадиий асар ретсепсияси риториканинг шаклланиш тарихи, асосий тамойиллари, ғарб ва шарқ нотиқлик мактаблари, нутқ маданиятининг асослари, касбий хосланиши, педагог нутқи маданияти каби масалалар ҳақида маълумот бериши;

график, орфографик ва пунктуацион меъёрлар, ёзув тарихи, ўзбек имло қоидалари, пунктуацион меъёрлар тарихи, тиниш белгилари турлари, уларнинг қўлланиш ҳолатлари, товушлар тизими ва унинг ёзувда акс этиши, жорий имло қоидаларида юзага келган мунозарали ўринларга муносабат билдириш кўникмасини шакллантириши;

тилшунослик фанининг бошқа фанлар билан алоқаси, тилнинг пайдо бўлиши,тил ва тафаккур, тил ва маданият, тил ва жамият, тил ва нутқ муносабати, буюк аждодларимизнинг ўзбек ва жаҳон тилшунослиги ривожига қўшган ҳиссаси, уларнинг илмий мероси, она тилимизнинг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузи, унинг бошқа тиллар билан алоқалари, дунё тиллари таснифи, тил сатҳлари ўртасида изоморфлик каби масалалар ҳақида талабаларда кўникма ҳосил қилиши;

ўзбек диалектологиясининг ўрганилиши, ўзбек шевашунослигининг тушунчавий-терминологик аппарати, транскрипция хусусиятлари, шеваларни таснифлаш тамойиллари ва усулларихусусидаги билимларнинг берилиши;

тил тарихи масалаларига доир методлар, ўзбек тили тарихини даврлаштириш, кичик матнларни фонетик, грамматик таҳлил қилиш, эски ўзбек ёзуви алифбоси ва унинг имло қоидалари, қўлёзма матнларни ўқиш ва ёзиш малакаларини шакллантириши;

миллий уйғониш даври шеъриятида вазн, поэтик жанрлар ва образларнинг янгиланиши қонуниятлари, миллий уйғониш даври насри ва драматургиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти омиллари, миллий уйғониш даврида янгича адабий-эстетик тафаккурнинг юзага келиши шароити ва сабаблари, янги ўзбек адабиётини ташкил қилувчи омилларни ўқувчига етказа олиш, танланган адабий-илмий мавзу юзасидан илмий хулосалар чиқара билиш кўникмаларини шакллантириши;

ўзбек фольклорининг тарихан шаклланган адабий, лингвистик мактаблари ва таълимотлари, мумтоз ва замонавий методлари, уларнинг муҳим хусусиятлари, ўзбек фольклорида мифологик дунёқараш ўрни, фольклор асарларининг ижро анъаналари, жанрлараро муносабат мезонлари ҳақидаги билимларни бериши;

матншунослик фани унинг келиб чиқиш тарихи; матншуносликни ўқитишда – филологиянинг адабий, тарихий, илмий асарлари ҳамда тарихий ҳужжатлар матнини илмий-танқидий ўрганиш; матншуносликнинг адабий, тарихий ва илмий асарлар турларига бўлиниши; бу фанннинг манбашунослик билан узвий боғлиқлиги;

ёзма ишларнинг ўзбек тили таълимидаги ўрни, ёзма ишларга қўйиладиган умумий талаблар, ёзма ишларнинг турлари, ёзма ишларни ташкил этиш малакасига эга бўлиши зарур.

мумтоз адабиёт тушунчаси ва унинг хусусиятлари, ўзбек адабиёти тарихининг тараққиёт босқичлари, адабиёт тарихини ўрганишнинг методологик асослари ва уни даврлаштириш тамойиллари, ўзбек мумтоз адабиёти тарихи даврларининг ўзига хос

жиҳатлари, мумтоз адабиёт жанрлари поэтикаси, аруз вазнининг умумий конуниятлари, бадиий санъатларнинг ҳосил бўлиш йўлларини ва мумтоз шеъриятда қўлланиш усулларини таҳлил қила олиши;

жаҳон адабиёти тарихининг назарий муаммолари, жаҳон адабиёти дурдоналарини таҳлил қилиш, жаҳон адабиёти намояндалари, жаҳон адабиёти тараққиёти тамойиллари, бадиий асарларнинг ғоявий моҳияти ва бадиий хусусиятлари тўғрисида хулосалар чиқариш борасида илмий билимлар, амалий маҳорат ва кўникмаларни шакллантириши лозим;

замонавий ўзбек адабиёти ва адабий жараёнининг тараққиёт тамойиллари, қонуниятлари, замонавий ўзбек адабиёти намояндалари асарларини тушуниш ва таҳлил қилиш, замонавий ўзбек адабиётини фольклор, мумтоз адабиёт ва жаҳон адабиёти материаллари билан қиёслаш, бадиий асарни мустақил ўқиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш, шунингдек, ҳозирги адабий жараёнга хос қонуниятлар, миллий истиқлол даврида яратилган адабий-эстетик қарашлар бўйича адабий суҳбатлар ўтказиши, ҳозирги адабий жараёндаги бадиият намуналарини таҳлил этиши ва улардан хулосалар чиқара олиши;

ўзбек адабий танқиднинг тарихий тараққиёти, бадиий асарни илмий-назарий талқини ва таҳлили, бадиий асарни услубий таҳлил этиш, адабий танқидчилик ва бадиий адабиётда шакл ва услублар хилма-хиллиги, бадиий таҳлилда асарнинг миллийлик умумбашарийлик муаммосини англаши, муайян мавзуни юзасидан илмий хулосалар чиқариш юзасидан тасаввур ва кўникмаларга эга бўлиши;

адабий таълим методикаси ва амалиёти илмида интегратив ёндашувнинг назарий асослари, экспрессив, трансакионал ва поэтик ёндашув методлари, адабиёт ўқитиш методикасининг адабиётшунослик туркумидаги фанлар билан алоқаси, адабиёт фанини ўқитишда интегратив ёндашувнинг таъсири масалалари, этнографик метод принциплари, тил ва адабиёт таълимида интегратив ҳамда шахсий ёндашув қобилиятларини ўстириш модели, тил сатҳларидаги бирликларнинг бадиий асар матни ва таҳлилидаги ўрнини аниқлашга ўргатиш малакасига эга бўлиши;

ўзбек болалар адабиёти, унинг тараққиёти, ўзбек болалар адабиётининг намояндалари ҳақидаги маълумотларни бериши;

шарқ тиллари араб ва форс тилида имло қоидалари, араб ва форс тилида сўз ясалиши, араб ва форс тилида ўзак ва у орқали сўзларни топа билиш, араб имлосидаги матнларни қийинчиликсиз мутолаа қилиб табдил қила олиш, ўзбек тили таркибидаги араб ва форс сўзларни таҳлил қила олиш кўникмаларини;

давлат тилида иш юритиш, ўзбек адабий тили меъёрлари, нутқнинг услубий шакллари, матн турлари ва таркиби, Ўзбекистон Республикасида ҳужжатчиликнинг такомиллашуви, иш ҳужжатлари ва уларга қўйиладиган асосий талаблар ҳақидаги маълумотга, иш юритиш малакасини шакллантириши;

гуманитар ва табиий-илмий фанлар билан ихтисослик фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши зарур.

Ихтисослик фанлар блоки бўйича:

талабаларни ўзбек тили ва адабиётини ўқитишнинг энг қулай ва замонавий методларини таълимнинг турли босқичларида қўллай олиш, она тили ва адабиёти

ўқитувчисининг касбий фаолиятига доир дастлабки билим ва кўникмалар шакллантириш, бўлажак ўқитувчиларга қўйиладиган касбий талаблар асосида она тили ва адабиёти фанини замон талаблари даражасида ўқитишнинг самарали методлари, шакл ва усуллари ҳақида маълумотлар билан қуроллантириши;

адабиётшунослик назарияси, адабий тур ва жанрлар, бадиий адабиёт, унинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти, яратилиш қонуниятлари, тараққиёт босқичлари, бадиий асарнинг тасвирий ҳамда ифода воситалари, таркибий тузилиши, адабий жараён хусусиятлари, адабиёт назарияси сўз санъатининг ижодий тажрибаларига таяниши, турли даврларда яратилган энг сара бадиий асарлар таҳлили, тарихий-адабий жараённи ўрганиш.

Алишер Навоий адабий фаолиятини ўрганишнинг назарий ва педагогик асослари, таълим босқичларида Навоий ҳаёти ва фаолиятини ўрганишга янгича ёндашув, "Хамса"чилик тарихи, хамсанавислар ижодини ўргатишга интегратив ёндашув, Навоий ижодига бағишланган конференция, семинар-тренинглар ўтказиш орқали таълим самарадорлигини ошириш;

адабиётнинг таркибий қисмлари, адабий тур ва жанрлар тушунчаси, бадиий образ ва образлилик, сюжет, конфликт, композиция, шеър тизимлари ҳақидаги билим кўникмаларини шакллантириши;

ҳозирги ўзбек адабий тили, унинг бўлимлари-фонетика, лексикология, морфология, синтаксис каби бўлимларнинг таълим босқичлари дастур ва дарсликларида берилиши ва уларни ўқитиш методикасини тўлик ўзлаштириши;

она тилини ўқитишда ихтисослик хусусиятларидан келиб чиқиб, коммуникатив, интегратив компетентлик ёндашувларига асосланиш;

турли фанлардан олинган билимлар, кўникма, малака ва тажрибани ҳисобга олиш, таяниш, интеграция қилиш, она тилида коммуникатив, касбий коммуникатив, ижтимоий компетентликни баравар ривожлантиришни назарда тутиш;

Ихтисослик фанларнинг дастурларини ишлаб чиқишда кадрлар буюртмачиларининг талаблари эътиборга олинади.

Қўшимча фанлар блоки бўйича:

бакалавр таълим соҳасидаги талабаларнинг бакалавриат умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

меҳнат бозорида рақобатбардошликни таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши;

таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фан дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;

касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуқтаи назарнинг баркарорлигини таъминлаши лозим.

Танлов фанлари:

Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Илмий Кенгаши томонидан белгиланади.

3.2. Малака амалиётига қўйиладиган талаблар

Малакавий амалиётлар бакалавриат таълим дастурининг мажбурий қисми ҳисобланади.. Малакавий амалиётлар ўқув-танишув, ишлаб-чиқариш, педагогик ва битирув олди амалиёт машғулотлари кўринишида бўлиб, талабаларнинг касбий-амалий тайёрланганлигига бевосита йўналтирилган бўлади. Бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастури – умумкасбий фанлар билан боғлиқ ўқув амалиёти ва касбий тайёргарлиги билан боғлиқ амалиётларни ўз ичига олади.

Ўқиш даврида ўқув-танишув амалиёти ўтказилади. Мақсад – ўқитаётган касбий фанларининг назарий билимларини амалиётга тадбиқ этиш, амалий кўникма ва малакаларни ривожлантиришдан иборат. Амалиёт натижаси ва ҳисоботи баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

Фольклор амалиётида:

талабалар билан экспедиция уюштирилаётган ҳудуд аҳолиси орасида ёзиб олинган халқ оғзаки ижоди материаллари юзасидан танишув суҳбати ўтказилади, респондентлар билан материал ёзиб олиш жараёнида амал қилинадиган муомала этикасини ўрганилади. Материал ёзиб олиш техникаси билан танишилади ва маҳаллий аҳолидан халқ оғзаки ижоди намуналари ёзиб олинади. Ёзиб олинган намуналар қиёсланади. Тўпланган материаллар тартиблаштирилади, оққа кўчирилади, ҳисобот учун маълумот тайёрланади. Бундан ташқари, талабалар аҳолидан маҳаллий ҳудудда ўтказиладиган маросимлар рўйхатини аниқлаштиради, маросимларни ўтказиш тартибини изоҳлайди. Аҳолидан эпик асар намуналарини, респондентлардан мазкур асарларни ўрганиш тарихини ёзиб олади.

Диалектологик амалиётда:

талабаларга амалиётнинг мақсад ва вазифалари ҳақида маълумот берилади. Амалиётга бориладиган ҳудуд аниқланади. Талабаларга шеваларни ўрганиш бўйича йўриқнома тақдим этилиб, ўрганилиши режалаштирилган ҳудуд шевасининг хусусиятлари ҳақида маълумот берилади. Ҳудуд шеваси вакиллари билан гуруҳ талабаларининг мулоқоти уюштирилади. Мулоқот нутқи ёзиб олинади ва тўпланиб, транскрипция қилинади.

Материаллар таснифланиб, алоҳида дафтарларга ёзилади ва улар амалиёт раҳбарларига топширилади.

Педагогик амалиёт алоҳида ишлаб чиқилган амалиёт дастурлари асосида таянч умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларида ўтказилади. Педагогик амалиёт талабанинг аудиторияда олган билимларини педагогик жараёнда синаб кўриш, дастлабки малака ва кўникма ҳосил қилиш ҳамда пировард натижада кадрнинг компонентлигини шакллантиришга хизмат қилади.

Педагогик амалиётга масъул кафедралар ва педагогик амалиёт бўлими ҳамда факультет ўқув методик комиссиялари ташкилотчилигида ҳисобот конференцияси ёки тақдимот шаклида якун ясалади.

Амалиётни ўтказиш муддатлари ўқув режаси билан аниқланади.. амалиёт тугагандан сўнг талабалар амалиёт давридаги фаолияти ҳақида амалиёт ўқитувчилари-раҳбарлари ва қабул қилувчи ташкилот вакилларидан таркиб топган комиссия олдида ҳисобот беришади. Баҳолаш мезонлари ўқув дастурида белгиланади.

Талабанинг илмий-тадқиқот иши амалиётнинг бир бўлагини ташкил қилиши мумкин. Илмий-тадқиқот иши битирувчиларда касбий компетенцияларни шакллантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашади. У бититувчини 8-семестрда кафедранинг илмий ишида албатта иштирок этишини, курс ишларини касбий (ихтисослик) блокнинг базавий фанлари мавзуси бўйича илмий ишда иштирок этишинива битиув малакавий ишини кафедранингилмий мавзуси бўйича бажарилишини назарда тутади.

Талабалар илмий-тадқиқот ишининг ташкил қилиниши қуйидагилар билан таъминланиши керак:

-курс ишларининг ҳар йили янгиланадиган мавзулари ҳақида ўқиётганларни ўз вақтида хабардор қилиш;

-мутахассис чиқарувчи факультет (кафедра)нинг илмий мавзуси бўйича илмий-тадқиқот иши учун лабораторияларда ўқиётганларни иш жойи билан таъминлаш;

олий таълим муасссасининг ахборот ресурс марказида мустақил илмий-тадқиқот олиб бориш имкониятини тақдим этиш;

-талабалар илмий жамиятининг конференцияларини ташкил этиш;

-талабалар илмий конференцияси ғолибларига мамлакатнинг бошқа олий ўқув юртларига маърузалар билан чиқиш имкониятларини тақдим этиш.

3.3. *5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Кундузги ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши лозим.

Ўқитишнинг меъёрий муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

- назарий ва амалий таълим – 60,2 %
- аттестация – 9,8 %
- таътил – 15,1 %
- малакавий амалиёт – 11,7 %
- битирув малакавий иши – 2,9 %

Назарий таълим ҳажми **“Гуманитар”**билим соҳасига мувофиқ фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

гуманитар ва табиий-илмий фанлар фанлар – 23,10 %;

умумкасбий фанлар – 37,20 %;

ихтисослик фанлар – 35,4 %;

қўшимча фанлар – 4,3 %;

2 курс

Илова

5111200-Ўзбек тили ва адабиёти бакалавриат таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши

Т/р	Ўқув фанлари, блоклар ва фаолият турларининг номлари	Умумий юклама ҳажми, соатларда
1.00	**Гуманитар ва табиий-илмий фанлар**	**1562**
1.01	Ўзбекистон тарихи	78
1.02	Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фукаролик жамияти	78
1.03	Фалсафа	128
1.04	Диншунослик	64
1.05	Ўзбек (рус) тили	152
1.06	Хорижий тил	356
1.07	Жисмоний тарбия ва спорт	18
1.08	Дастурлаш асослари	194
1.09	Ёш физиологияси ва гигиена	64
1.10	***Танлов фанлари***	**430**
2.00	**Умумкасбий фанлар**	**2494**
2.01	Умумий психология	194
2.02	Умумий педагогика	184
2.03	Аруз ва поэтика асослари	126
2.04	Навоийшунослик	188
2.05	Мутолаа маданияти ва ифодали ўқиш	192
2.06	Ўзбек диалектологияси	128
2.07.	Ўзбек тили тарихи	254
2.08.	Ўзбек фольклори	64
2.09.	Жаҳон адабиёти	122
2.10.	Тилшунослик ва адабиётшунослик асослари	188
2.11.	Шарк тиллари ва эски ўзбек ёзуви	356
2.12.	Матншунослик	128
	Танлов фанлари	**370**
3.00	**Ихтисослик фанлари**	**2240**
3.01	Она тилини ўқитиш методикаси	388
3.02	Ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси	388
3.03	Ҳозирги ўзбек адабий тили	460
3.04	Ўзбек адабиёти	500
3.05	Адабиёт назарияси	122
3.06	Тилшунослик назарияси	122
	Танлов фанлари	***260***
4.00	**Қўшимча фанлар**	**346**
	Жами	**6642**
	Малакавий амалиёт	**1296**
	Битирув малакавий иши	**324**
	Аттестациялар	**1080**
	Жами	**2700**
	ҲАММАСИ	**9342**

	ҲАММАСИ	9342

Библиографик маълумотлар

УДК: 002: 651. 1/17
ОКС 01.040.01

Гуруҳ Т 55

Таянч сўзлар:

Давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режа, компетенция, модуль, касбий фаолият турлари, амалиёт объекти, кадрлар сифати, касбий фаолият тури, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, бакалавриатнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалавриат дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли; ҳозирги ўзбек адабий тили, нутқ, меъёр, ўзбек тили тарихи, араб ва форс алифбоси, диалектология, ўзбек фольклори, мутолаа маданияти, ифодали ўқиш, ўзбек адабиёти, навоийшунослик, адабиёт назарияси, жаҳон адабиёти, туркий халқлар адабиёти, она тилини ўқитиш методикаси, ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси, юклама, юклама ҳажми.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Ректор _____ **Ш.С.Сирожиддинов**

2019 йил «25» 07

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги

Республика таълим маркази

Директор _____ **А.Умаров**

2019 йил «25» 07

М.Ў.

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги

Олий таълимни ривожлантириш тадқикотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор _____ **З. Хакимов**

2019 йил «29» 07

М.Ў.

"Тил ва адабиёт таълими" журнали бош муҳаррири

_____ **Б. Жовлиев**

2019 йил «29» 07

М.Ў.

***5111200- Ўзбек тили ва адабиёти* бакалавриат таълим йўналиши бўйича малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқувчи**

Ишчи гуруҳ таркиби

т/р	Ишчи гуруҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш.	Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи	Имзо
Раис			
1	Л.Раупова	Ўзбек тили ва адабиёти факультети декани, филология фанлари доктори	
Аъзолари:			
2	К.Досонов	Ўзбек тили ва адабиёти факультети Ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари	
3	М.Абдуллаева	Ўзбек тили ва адабиётини ўкитиш методикаси кафедраси мудири, доцент, филология фанлари номзоди	
4	С.Мухамедова	Ахборот ва замонавий педагогик технологиялар кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор	
5	Н.Чинниқулов	Сиртқи бўлим бошлиғи филология фанлари номзоди	

Ўқув ишлари бўйича проректор **И.Азимов**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

бакалавриат таълим йўналишлари учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг таълим йуналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)

т/р	***Вазирлик (идора)нинг*** **ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши**		**Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)**
	Шифри	Номи	
1.	5111200	Ўзбек тили ва адабиёти	**Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:** -“Бола ҳуқукларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунини; Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг таълим тизимини такомиллаштиришга оид Қарор ва фармойишларини ҳамда давлат таълим стандартларини мукаммал билиш; - ўқитадиган ўқув предмети бўйича дарсни ташкил этиш методикасини, педагогик ва касбий мулокот назарияси ва амалиётини, ёш психологияси ва физиологиясини тўлиқ ўзлаштириш; - хорижий тиллардан бирининг бошланғич боскичини ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш; - ўзбек тили ва адабиёти фани бўйича ўқувчиларга давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларига асосланган назарий ва амалий ўқув машғулотларини олиб боришни таъминлаш; -ўқувчиларнинг давоматини назорат қилиш, ўзлаштиришини рейтинг Низоми асосида объектив баҳолашни таъминлаш; - ўқувчиларни фанлар бўйича олимпиадаларга, турли мусобақаларга, илмий конференция ва фестивалларга тайёрлаш, очиқ дарслар ташкил қилиш, фан тўгараклари ишларига раҳбарлик қилиш; - ўзбек тили ва адабиёт фанини ўқитишда намунавий инновацион технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш; - ўзбек тили ва адабиётига оид назарий билимларини мунтазам такомиллаштириб бориш, она тили ва адабиёт фанларининг долзарб масалаларини илғай олиш, ўқитувчилик фаолиятида қўллай билиш ва ўқувчиларга етказа олиш; - ўзбек тили ва адабиёти тарихи, таълимоти ва назариялари, йирик намояндалари, тилшунослик ва адабиётшуносликнинг фан соҳаси сифатида шаклланиши, ушбу соҳадаги турли мактаблар, олимларнинг концепция ва илмий ёндашувларини билиш;

			олимларнинг концепция ва илмий ёндашувларини билиш; -тилшунослик ва адабиётшуносликдаги тизимли ёндашув усулларини таҳлил жараёнига татбиқ этиш; - она тили ва адабиёт фанини ўқитишда машғулотларда мавзуни ўқувчилар ёш хусусиятидан келиб чиқиб ўтиш усуллари борасида илмий билимлар, амалий маҳорат ва кўникмаларни эгаллаш; - бадиий асарни, адабий ва бошқа матнларни лисоний таҳлил этиш ҳамда унинг методларини дарс давомида қўллай олиш; - илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда ўзбек тили, ўзбек адабиёти ҳамда бу фанларни умумтаълим мактабларида ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот ишларини олиб бориш; -интернет тармоғидаги ўзбек тили ва адабиёти фанининг энг янги илмий ютуқлари ҳақидаги маълумотлар билан мунтазам танишиб бориш, фанга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш; - дарс машғулотларида Ўзбекистон ва жаҳон тарихига оид манбалардан илмий, маънавий-маърифий соҳада фойдаланишни ташкиллаштириш; - ўқув машғулотларида ўқувчиларда умуминсоний қадриятларга содиқлик, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни шакллантиришга эътибор қаратиш; - Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамиятида юз бераётган ижтимоий-сиёсий воқелик ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиш, улардан ҳаёт ва касбий фаолиятда замонавий илмий асосларда фойдалана олиш; - атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос ҳолатда ўқув жараёнини ташкил этишда иштирок этиш.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика Таълим маркази директори **А.Умаров**

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги

Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва

илғор технологияларни татбиқ этиш маркази **З.Хакимов**

“Тил ва адабиёт таълими” журнали таҳририяти томонидан бакалавриат таълим йўналишлари учун янгидан яратиладиган малака талабларигакиритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг таълим йуналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малакаталаблари (касбий компетентлик талаблари)

т/р	“Тил ва адабиёт таълими” журнали учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши		“Тил ва адабиёт таълими” журналининг бакалавриат таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)
	шифри	номи	
1.	**5111200**	**– Ўзбек тили ва адабиёти**	**Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:** - таълимнинг турли босқичларида дарс лойиҳаларини тузиш ва ташкил қила олиш; - адабий тил доирасида фикрлаш маданиятини эгаллаган бўлиши, оғзаки ва ёзма нутқини аргументланган ҳолда аниқ баён қилиш қобилиятига эга бўлиши; - матнларни имловий, услубий жиҳатдан таҳрир қила олиш; -ижодкорлик салоҳиятидан фойдаланиши, янги ғояларни яратиши; -тил ва адабиёт таълимига оид мақолаларни ёза билиши; - барча турдаги иш юритиш ҳужжатларини ёза билиши; - барча турдаги маълумотларни ёза олиш; - ўзбек тили ва адабиёти таълими соҳасига оид адабиётлар (мақолалар, китоблар, малакавий иш) таҳлилларини ёза олиш; - соҳага оид адабиётлар (бирламчи ва иккиламчи манбалар)га аннотациялар ёза олиш; - турли илмий материалларга хулоса ёза олиш; - конференцияларда қатнашиш учун таклиф ва мулоҳазалар ёза олиш; - соҳага оид мавзулар бўйича тақдимот ва маърузалар қила олиш; - амалиётда ахборот технологияларини халқаро ва касбий стандартларини, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш.

“Тил ва адабиёт таълими” журнали бош муҳаррири Б.Жовлиев

